

## **“Йил адвокати-2022” танлови ғолиблари билан интервью**

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва Минтақавий мулоқот Халқаро Нодавлат Ташкилоти АҚШ Давлат департаменти DRL Бюросининг гранти кўмагида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган адвокатлар орасида “Йил адвокати-2022” танловини ўтказди.

Ушбу танлов адвокатларнинг касбий маҳорати ва ютуқларини эътироф этиш ҳамда адвокатлик касбининг аҳамияти ҳақида жамоатчиликни хабардорлигини оширишга қаратилган.

Адвокатлар танловда “Касбий маҳорат”, “Инсон ҳуқуқларининг муваффақиятли ҳимояси”, “Порлоқ юлдуз”, “Устоз-мураббийлик”, ва “Ҳуқуқий ислоҳотлардаги фаоллик” каби 5 номинация бўйича қатнашдилар.

Танлов ғолиблари қўйидагилар бўлди:

1. Феруза Жалилова – “Инсон ҳуқуқларининг муваффақиятли ҳимояси” номинациясида
2. Панжи Маҳманизаров – “Касбий маҳорат” номинациясида
3. Фарход Романов – “Порлоқ юлдуз” номинациясида
4. Зафар Таиров – “Устоз-мураббийлик” номинациясида
5. Зафар Тўхташов – “Ҳуқуқий ислоҳотлардаги фаоллик” номинациясида

Минтақавит мулоқот танлов ғолиблари билан яқинроқ танишиш ва уларнинг ютуқларини кенгроқ ёритиш мақсадида ҳар бир адвокат билан интервю ўтказди.

### **Феруза Жалилова – Йил адвокати-2022 танловининг “Инсон ҳуқуқларининг муваффақиятли ҳимояси” номинацияси бўйича ғолиби**

#### **1. Бу танловда нега ғолиб бўлдим деб хисоблайсиз?**

Мен бу танловга эндиғина ариза топширганимда, адвокатлик касбига қандай келиб қолганимни эсладим. Талабалик пайтларимда биз билан сұхбат қуриш учун бир аёл адвокат келганди ва менда катта таассурот қолдирганди. Университетни битириб уйимга қайтганимда, устозим Зулфия опа Умарова мени Наманган вилоят адвокатлар ҳайъатига олиб келгандар. Мени ҳайъат раиси Ақмал aka Мамажонов стажёр адвокат сифатида ишга қабул қилиб, стажировка раҳбари этиб Абдусалом aka Юлдашевни тайинлагандар. Устозларим мени ўз қанотлари остига олиб, адвокатлик касбини ўргатдилар. Мени биринчи ишимни ҳам менга улар топширгандар. У ишда бир йигит диний экстремизмда айбланиб, варақа тарқатганилиги учун 6 йил қамоқ жазосига хукм қилинди. Биринчи ишимда менга шикоят ёзишни Қурбоной опа Каримова ўргатиб, ҳатто қизил ручка билан чизиб чизиб, хатоларимни кўрсатгандар. Устозларимдан курашишни тўхтатмасликни ўргандим. Биринчи қатнашган ишим Олий судда кўрилиб, унга тайинланган жазо ярмисига яъни 3 йилга қисқартирилгандан кейин яна менда ўз ишимга меҳр пайдо бўлди. Ишни шундай яқун топгани адвокатлик касбини давом эттиришимга куч берди. Бу танловда ғолиб бўлганимни боиси менимча, устозларимни угити, ҳимоям остидагиларнинг менга бўлган ишончи ва менинг меҳнатим.

Адвокатлик касбини танлаганимнинг сабаби бу касбнинг эркинлиги, инсонларга озми кўпми фойдангиз тегаётганлиги. Ишингиз натижаси яхши бўлса, ҳимоя остидаги шахсдан бир оғиз раҳмат деган сўзни эшитганингизда бошингиздан кечирган қийинчилклар ўтиб кетади. *Адвокат бир вақтнинг ўзида психолог бўлиши ҳам керак. Мижозлар билан қандай гаплашишини билиши лозим яъни ҳар бир одам ўзича бир дунё.* Ўша инсонни ички дунёсига кира олсангиз, ишингиз анча осонлашади. Ҳозир эришган ютуқларимга назар ташлайдиган бўлсам, менимча, бу инсонларни яхши тушуна олганимнинг натижаси.

## **2. Энг кўп нима билан фаҳрланасиз?**

Адвокатлик касбимдан фаҳрланаман. Тажрибамда бир иш бўлган, ҳимоям остидаги шахс Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми билан айбланган, исми Мухаммадиброҳим эди адашмасам. Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди томонидан уни 15 йил озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида хукм чиқарилди. Дастребки тергов ва суд давомида судланувчи яъни мени ҳимоямдаги шахсга психологияк экспертиза тайинланмаган. Олий суд айнан шу асос билан ишни янгитдан апелляция тартибида кўриш учун Наманган вилоятига юборди. Наманган вилоят судининг апелляция инстанцияси уни ҳаракатларини Жиноят Кодексининг 98-моддасига қайта малакалаб, амнистия актига асосан жазодан озод қилган. У вақтларда оклов хукми тугул, суд залидан озод қилиш жуда катта ютуқ хисобланган адвокат учун. Мен буни фаолиятимдаги энг катта ютуқ деб биламан. Шу жиноят иши натижаси мени адвокат сифатида элга танидти десам муболаға бўлмайди.

## **3. Ўз ишингизни нима учун қиласиз - сизни нима мотивация қиласи?**

Менга энг кўп мотивация берадиган нарса - одамларнинг миннатдорчилиги. Одамлар қилган ишларим учун менга раҳмат айтишса, бу катта мотивация. Одамларга ёрдам беряётганимни билсан, бу менга куч беради.

## **4. Профессионал фаолиятингиздаги энг қийин нарса нима?**

Бу саволга жавоб бериш учун фаолиятимда учраган энг қийин ҳолатлардан бири ҳақида айтиб ўтмоқчиман. Ўтмишда кўп шундай ҳолатлар бўларди, айбланувчига тегишли муддатда юридик ёрдам (адвокат) тақдим этилмасди ва унга қўшимча айбловлар бириктириларди. Айбланувчи адвокат билан сухбатлашиш имкониятига эга бўлган вақтга келиб, у ўзи қилмаган жиноятларини тан олиб бўлган бўларди. Бу эса адвокатнинг ишини анчагина қийинлаштиради. Илгари бундай ҳолат катта муаммо эди, ҳимоям остидаги шахсни вақтинча сақлаш хибсоналаридан қидириб сарсон бўлардим. Хатто бир гал шундай ҳолат бўлганки, ҳимоямдаги шахсни маъмурӣ жавобгарликка тортилиб, 15 сутка қамоқ жазоси тайинланган. Шу инсон билан учрашмоқчи бўлганимда ўша вақтдаги МХХ қаттиқ қаршилик қилган, хаттоси “лицензиянгиз ортиқчалик қилиб қолдими” деган гапларни гапиришгача боришган. Охирида ҳақиқат қарор топган, шу қиз жавобгарликдан озод қилинган, лекин менда ушбу ҳолат чуқур из қолдирган.

## **5. Шу пайтгача фаолиятингиз давомида қилган қандай ишингиз ёки эришган қандай ютуғингиз борки, у ҳақида одамлар билишини хоҳлаган бўлардингиз?**

Бу мен учун қийин савол, чунки мен одатда ютуқларимни кўрсатмайман. Менда шундай шиор бор, сен ўзингни мақтама, бошқалар сени мақташсин.

## **6. Адвокатлик касбига гендер нуқтаи назаридан қандай қарайсиз – бу касбда аёллар эркаклардан фарқ қиладими ёки тенг имкониятларга эгами?**

Мен фарқ бор, деб айтмаган бўлардим. Адвокатлик касби тенг имкониятлар беради. Баъзида ҳатто аёл адвокатлар кўпроқ афзалликларга эга бўлишади, чунки улар кўпроқ эмпатияга эга. Шунинг учун, аёл адвокатларга одамлар кўпроқ мурожаат қиласи. *Адвокатлик касби аёллар учун кўп имкониятлар беради.*

## **7. Сизни ишингизнинг жамиятга таъсири қандай деб ўйлайсиз – бирон мисол келтира оласизми?**

Адвокатлик фаолиятим билан бир қаторда вилоятимдаги Адвокатлар палатасининг бўлимида ҳам ишлайман. Биз жуда кўп про боро ишлар қиласиз. Жамиятга шу йўл билан

ҳисса қўшаяпман, деб ўйлайман. Кўп ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимларининг ўз иши ва ҳаётини қайта тиклашга ёрдам бера олганим бунга бир мисол. Бундай ҳолатлар мени ғуурлантариради. Мен адвокатларнинг меҳнатини тан олиш учун кўпроқ ҳаракат қилишимиз керак деб ҳисоблайман.

### **Зафар Таиров – Йил адвокати-2022 танловининг “Устоз-мураббийлик”**

#### **номинацияси бўйича ғолиби**

##### **1. Бу танловда нега ғолиб бўлдим деб ҳисоблайсиз?**

Мен эълон қилинган иккита номинация - Инсон ҳуқуқларининг муваффақиятли ҳимояси ва Устоз-мураббийлик номинациялари бўйича танловда иштирок этдим. Менинча, мен иккаласига ҳам муносаб номзод эдим, чунки фаолиятим давомида ҳимоям остидагиларга нисбатан жуда кўп оқлов ҳукмлари чиқарилишига эришганман. “Устоз-мураббийлик” категориясига келсак, танловга ариза топширганимда 5 нафар стажёрим бор эди. Ҳозирда улар 6 нафарни ташкил этади, уларнинг ҳаммаси имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, ҳозирда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиб келишмоқда. Мен уларга адвокатлик касби учун, бу кассба муваффақиятга эришиш учун керакли бўлган барча билим-кўнимларни бердим.

Ўз фаолиятим давомида юридик соҳада мавжуд бўлган деярли барча идораларда, яъни ширкат ҳўжаликлари ва давлат корхоналарида ҳуқуқшунос, адлия бошқармасида маслаҳатчи, прокуратура идораларида туман, вилоят ва республикада даражасида терговчи, туман ва вилоят суди судьяси, коллегия раиси, вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи, вилоят адлия бошқармасида ҳам раҳбар лавозимларда ишладим. Қаерда ва қайси лавозимда бўлишимдан қатъий назар, доимий равишда атрофимдаги ходимларга амалиёт бўйича ўзимда бўлган билимларни беришга ҳаракат қилиб келганман.

“Устоз-мураббийлик” номинацияси бўйича мени танлаб ушбу мукофотни беришганидан миннатдорман, келажакда ҳам шу зайлда ишни давом эттириб бориш учун ҳаракат қиласман.

##### **2. Нима учун адвокат бўлишни танлагансиз?**

Авлал айтиб ўтганимдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги деярли барча идораларда ишлаганман, ҳар бир идора иш тажрибасини тўлиқ ўзлаштириб олишга ҳаракат қиласман. Қайси идорага бориб ишлаган бўлсанм, ўз ҳохишимга кўра ўтиб ишлаганман. Судья бўлган пайтларимда бир кун адвокат бўламан, дердим ҳамкасларимга. Адвокатлик ишим билан фахрланаман, чунки адвокат сифатида одамларга энг кўп ёрдам бера оламан деб ҳисоблайман. *Ҳозирги замонда ҳар бир ишида адолат бўлиши учун адвокатлар ёрдами керак. Биз одамлар билан ишлайдиган ва одамларга ёрдам берадиган ҳуқуқшунослармиз.*

##### **3. Энг кўп нима билан фахрланасиз?**

Адвокат сифатидаги фаолиятимда 2023 йил февраль ойига қадар 179 нафар судланувчи ва судланганларга нисбатан оқлов ҳукмга чиқарилишига эришганман ва бундан фахрланаман. Уларнинг орасида олий суд қарорлари асосида чиқарилган оқлов ҳукмлари ҳам бор. Аммо, мени янада кўпроқ фахрлантирадиган нарса бу эмас, балки, ҳимоям остидаги шахсларнинг хурматини тиклаб, юзининг ёруг бўлишига ёрдам беришим, деб биламан. Ҳар қандай адвокат ўз ҳимояси остида бўлган фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилишига эришса, албатта у қилган ишидан фахрланади ва бу уни яхши ишлашга рухлантиради, ўз устида ишлаб, янги қабул қилинган қонунларни таҳлил қилиб, фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиб, натижаларини янада ижобий қилиб боради.

#### **4. Профессионал фаолиятингиздаги энг қийин нарса нима?**

Хозир суд тизимида мавжуд муаммолардан бири қуйи даражадаги суд инстанциясида кассация тартибида шикоят қилиш тартибларининг қисқартирилишидир. Бунинг натижасида Олий суд иш юритувида кўпроқ ишларни кўриб чиқишига тўғри келаяпти. Менимча Олий суд иш юритувида иш камроқ бўлиб, улар асосан қуйи судларда ишларни кўриб чиқиши ва қонунларни амалиётда қўллашлик юзасидан кўпроқ раҳбарий қарорлар чиқариб туришса маъқулроқ бўларди. Аммо, қийинчиликлар билан бирга, тизимда ижобий ўзгаришлар ҳам рўй бераяпти. Мисол учун, пандемия туфайли бутун дунё ўзгаришига тўғри келди. Рақамлаштиришнинг кенг кўламда қўлланилиши адвокат учун лицензия олиш ва бошқа кўп процедураларни анча осонлаштириди. Адвокатлар палатаси бу борада катта ёрдам бериб келмоқда. Шу қатори, бутун суд тизими ҳам бу янги реалликка мослашишига тўғри келди. Менимча, бу ижобий ўзгариш бўлди. Пандемия муаммолари тизимимизни рақамлаштиришга ундали, рақамли воситаларга ўтдик. Суд заллари видео конференция алоқалари билан жиҳозланди. Биз керакли кўникумаларни тезда ўзлаштиридик ва суд жараёнларини онлайн тарзда ўтказа бошладик. Энди менинг хизмат компьютеримда, нотбукимда ва ҳатто мобил телефонимда барча керакли дастур ва воситалар бор. Суд жараёнини онлайн тарзда хохлаган ҳудуд ва чет эллардан ҳам юрита оламан. Бу янгиликлар адвокатлар учун қийинчилик эмас, имконият бўлди. Одамлар учун ҳам адвокатга мурожаат қилиш ва суд жараёнларида қатнашиш анча осон бўлди.

#### **5. Сизни ишингизнинг жамиятга таъсири қандай деб ўйлайсиз – бирон мисол келтира оласизми?**

Адвокат фаолиятининг жамиятга таъсири жуда катта деб ўйлайман, чунки улар ҳукуқлари бузилган ва нима қилишни билмай қолган инсонларга малакали ҳукуқий ёрдам беришади. Менинг бир ҳимоям остидаги шахсни жавобгарликка тортишиди, аммо асослантирилган ҳолда берилган шикоят ва қўшимча тақдим этилган хужжатлар юзасидан суд адолатли қарор қабул қилиб, шу шахсга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиб, унга оқлов ҳукми чиқаришди. У ўз иш жойига тикланди ва қишлоқ хўжалиги кластерларига раҳбарлик қилиб, ҳозирги кунда 5000 дан ортиқ одамни иш билан таъминлайди, туманлар ва вилоят иқтисодиётига, саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳаларига катта ҳисса қўшиб, ҳаёт сифатини оширишда катта ёрдам кўрсатаяпти.

#### **6. Нега бу танловга ариза топширдингиз?**

Бир неча йил олдин мен адвокатлар ўртасида рейтинг бўлиши керак, шунда соғлом рақобат бўлади, энг асосийси, адвокатлар ўзини устида кўпроқ ишлайди деган таклиф билан чиққандим. 2016 йилда менинг адвокатлик бюром мамлакатда энг яхши деб топилди. *Бу йил яна танловга ариза топширганимнинг сабаби эса, инсон бир жойда тўхтаб қолмаслиги, муваффақиятларга эришиб боравериши керак, деб ҳисоблайман.*

**Фарҳад Романов – Йил адвокати-2022 танловининг «Порлоқ юлдуз» номинацияси бўйича ғолиби**

#### **1. Бу танловда нега ғолиб бўлдим деб ҳисоблайсиз? Нега айнан шу категорияда?**

Ўзбекистонда адвокатларнинг ўртача ёши юқори, мен эса давлатимизга ёш адвокатлар керак деб ҳисоблайман. Одамлар орасида адвокатларга бўлган ишонч ошишини, одамларнинг адвокатлик касбини хурмат қилишларини, уларни “фирибгар” сифатида эмас, балки мижоз манфаатлари учун курашадиган шахс сифатида кўришларини

истайман. Юридик факультет талабалари билан учрашганимда, уларга адвокатлик касби ҳақида маълумот бериб, нега бу касб айнан ёшларга мос келишини тушунтираман. Мени юридик факултетга кўп таклиф қилишади, улар билан ёшларни адвокатлик касбига йўналтириш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиб келаман. Бундан ташқари, “Ёшлар агентлиги” билан ҳамкорлик қилиб, ёш тадбиркорларга бепул юридик ёрдам кўрсатиб келаман. Шуларни эътиборга олиб, бу танловда ғолиб этиб танландим, деб ҳисоблайман.

## **2. Нима учун адвокат бўлишни танлагансиз?**

2016 йилда биринчи марта бу касбда ўзимни синаб кўрганман. Кейин Адлия вазирлигига ишлаган бўлсамда, яна адвокатликка қайтдим. Мени адвокатлик касбига энг кўп жалб қилган нарса бу эркинлик бўлди. Сиз ўз иш жадвалингизни ўзингиз белгилайсиз, қайси ишларни олишни ва қандай ҳимоя стратегиясидан фойдаланиш бўйича ўзингиз қарор қабул қиласиз. **Менинча, адвокатлик бошқа юридик касбларга қараганда кўпроқ касбий мустақилликни таъминлайди.** Бу ўзимни тўлақонли ва ишончли ҳис қилишимга ёрдам беради. Мен ўз билим ва қўнималаримни янада ривожлантиришдан завқланаман. Бу орқали мен атрофимдагиларга, жамиятга, оиламга ижобий таъсир кўрсатишим мумкинлигини ҳис қиласман. **Жамиятга қўшаётган ҳиссам шунда деб биламан. Бу менинг ИКИГАЙм. Бу 4 асосий элементдан иборат япон концепцияси: мен нима қилишини яхши қўраман, нима учун фойдалиман, қайси ишини яхши уddyалайман ва қайси иш орқали даромад топа оламан.**

## **3. Энг кўп нима билан фаҳрланасиз?**

Мен эришган оқловларим билан фаҳрланаман. Менинг ҳукуқий ёрдамим билан одамлар қамоқдан чиқиб, ҳаётларини давом эттираётганларини кўрсам, ҳурсанд бўламан. Айниқса, бир иш, Нукус давлат педагогика институти ректори ва проректорининг иши, мен учун алоҳида аҳамият касб этган. 2018 йилда у инсонга нисбатан айблов эълон қилинди ва 2021 йилда улар оқланди ва ўз ишига тикланиши бўйича суд қарори чиқарилди. Ушбу ишда адвокат сифатида иштирок этганман. Бу инсонга ва унинг оиласига ҳаётни қайтаришдек туюлади.

## **4. Ўз ишингизни нима учун қиласиз - сизни нима мотивация қилади?**

Менга энг кўп мотивация берадиган нарса – бу яқинларимнинг ва ҳимоям остидаги шахсларнинг ишончи. Мижозларим ўз ҳаёти ва тақдирини менга ишониб топшириши. Қолаверса, жамиятимизнинг ҳукуқий тизимини миллий миқёсда ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшаётганимни билиш ҳам менга қўшимча мотивация беради.

## **5. Профессионал фаолиятингиздаги энг қийин нарса нима?**

Асосий муаммолардан бири тўлиқ малакага эга бўлмаган ёки тартиб-қоидаларни тушунмайдиган ҳукумат амалдорлари ва терговчилар билан ишлашдир. Шундай инсонлар туфайли мени ҳимоям остидаги шахс қамоқда узоқ қолиб кетиши, ёки ишлари битмай қолиши мумкин.

Мен айтмоқчи бўлган иккинчи муаммо - одамлар орасида адвокатларга ишонч йўқлиги. Ёш адвокатлар касбимизга бўлган ишончни тиклаш устида ишламоқда. Ёшларни кўпроқ касбга жалб қилсак, менинча, кўрсаткичларимиз яхшиланиб, адвокатларга бўлган ишонч ортади.

## **6. Шу пайтгача фаолиятингиз давомида қилган қандай ишингиз ёки эришган қандай ютуғингиз борки, у ҳақида одамлар билишини хоҳлаган бўлардингиз?**

Мен адвокат сифатида иккита асосий ҳуқук йўналишига эътибор қаратганман – бу бизнес ҳуқуки ва инсон ҳуқуqlари ҳимояси. Шулар доирасида кўпгина ютуқларга

эришганман. Мисол учун, мен солиқлар билан боғлиқ муаммони бир қанча корхоналар фоидасига ҳал қилиб беришга муваффақ бўлдим ва 8 та оқловга эришдим.

## **7. Сизни ишингизнинг жамиятга таъсири қандай деб ўйлайсиз – бирон мисол келтира оласизми?**

Мен ҳимояга муҳтож етим болалар билан ишладим, биламиз, бу заиф гурух. Уларнинг мактабга ёки олий таълим муассасасига кирганда, васийлар ёки хукумат томонидан қопланиши керак бўлган маълум тўловлари қопланмаган эди. Мен бу масалани болалар манфаати учун ҳал қила олдим. Шунингдек, кичик бизнес (савдо дўконлари) ташкил этган, бироқ зарур ҳужжатларини олмаган 50 дан ортиқ тадбиркорларга ўз фаолиятини давом эттиришлари учун зарур ҳужжатларни олишга ёрдам бердим.

## **8. Нега бу танловга ариза топширдингиз?**

Чунки мен бошқалар қўриши ва жамият учун фойдали деб тан олиниши керак бўлган ютуқларга эришдим. Ўзимни кучли номзод деб хисоблаганим учун ариза топширдим.

## **Зафар Тухташов – Йил адвокати-2022 танловининг «Хукуқий ислоҳотлардаги фаоллик» номинацияси бўйича ғолиби**

### **1. Бу танловда нега ғолиб бўлдим деб хисоблайсиз?**

Халқ орасида ва ҳатто адвокатлар орасида ҳам шундай тушунча борки, унга кўра адвокатлар фақат ҳимоя остидаги шахснинг хукуқларини ҳимоя қиласидилар холос. Аслида, адвокатларнинг роли, вазифаси бундан кенгроқ. Адвокатлар хукуқни қўллаш масалаларида, қонунлардаги муаммолар бўйича ҳам фикр билдиришлари керак, менимча.

Бу мукофот нафақат менинг меҳнатим, балки адвокатлик фирмамиздаги бутун жамоамнинг саъй-ҳаракатлари эътирофи, деб биламан. Адвокатлик фирмамиз 4 та адвокат ва 10 дан ортиқ стажёrlар ва ёрдамчилардан иборат. Биз одатда умумий жиҳатларга эга бўлган ишлар бўйича бирга ўтириб, уларда қайси тизимли хукуқий муаммолар мавжудлигини ҳамда уларни бартараф этиш бўйича қандай тавсиялар беришимиз мумкинлигини муҳокама қиласиз.

### **2. Ўз ишингиз билан нима учуш шуғулланасиз?**

Мен 2008 йилда Тошкент давлат юридик институтини (ҳозирда университет мақомига эга) тамомладим. Кейин адвокатлик лицензиясини оламан деб юрган пайтларим прокуратура органларига тақсимланганлигимни айтишди. Лекин мен бунга рад жавобини бериб, диплом олганимдан бир хафта ўтиб, адвокатлик лицензиясини олдим. Нега дейсизми? Чунки менга мустақиллик, эркинлик ёқади, ўзим танлаган иш устида ишлаб, ижобий натижага эришиш менга энг катта кувонч келтиради. Ўн йилча ишлаб, мен ҳам судья бўлиб қўришни хоҳлаганман. 2016 йилда судья этиб тайинландим ва бу лавозимда 3 йил ишладим. Лекин касбим барибир адвокатлик эканлигини тушуниб, адвокатурага қайтдим.

Адвокатнинг мавқеи паст ёки роли катта эмас деган фикрларни жуда нотўғри, деб хисоблайман. *Орқасида қонун турган адвокатни мен енгилмас куч ва мустаҳкам қалъа деб тасаввур қиласан. Фақат бу кучни рўёбга чиқариб, уни тўғри ишлатмоқ керак.*

### **3. Нима учун адвокат бўлишни танлагансиз?**

Мен хукуқшунослар оиласиданман. Отам судья бўлганлар, бошқа оила аъзоларим ҳам хукуқий соҳада фаолият юритишади. Тақдир тақозоси билан мен талабалик пайтларим адвокат ёрдамчиси бўлиб ишлаганман ва бу касб қанчалик қизиқ эканлигини қўрганман.

Бу касб эгаси мустақил ишлай олиши, ўз иш жадвалини ўзи тузиши ва ҳар куни янги янги ҳуқуқий муаммолар билан шуғулланиши менга жуда ёқиб қолган.

#### **4. Энг кўп нима билан фаҳрланасиз?**

Ўз ишим билан фаҳрланаман. Фирмамиз жуда ёш бўлса-да, унда 15 нафар ходим ишлайди. Ишга қабул қилишда биз доимо ёш мутахассисларни қидирамиз ва бунинг сабаби – уларнинг ишга нисбатан иштиёқи. Биз уларни адвокатлик касбига қизиқишиларини оширишни ва бу соҳада ўсишларини истаймиз. Баъзан шу сабабдан молиявий даромаддан маҳрум бўламиз. Аммо, бунинг даромад топишдан кенгроқ таъсири ва чуқурроқ маъноси бор.

#### **5. Сизга нима мотивация беради?**

Мени адвокатлик касбига ёшларни қизиқтириш руҳлантиради. Университетдан сўнг ёшларнинг ишга жойлашиши қийин, чунки уларга тажриба етишмайди, уларни ишга олишни истайдиганлар кам бўлади. Лекин биз бунинг аксини қиласиз. Ҳеч қандай тажрибаси бўлмаган ёшларни ишга оламиз, уларга устозлик қиласиз, яхши ҳуқуқшунос бўлиб етишишлари учун билим-кўнкималар берамиз. *Менга мотивация берадиган асосий нарса – бу ёш мутахассисларнинг шу касбда ўсишини кўриши, бу орқали жамиятимизга ижобий таъсир қилишимни сезиш.*

#### **6. Касбий фаолиятингиздаги энг қийин нарса нима?**

Адвокатурада кўп қийинчиликлар мавжуд. Лекин агар сиз ўз ишингизни яхши кўрсангиз, уларни енгиб ўтасиз ва таслим бўлмайсиз. Ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Бюрократия билан шуғулланиш ҳеч кимга ёқмайди албатта. Баъзida давлат органлари ходимларининг номуносиб хатти-ҳаракатлари (масалан, маълумот алмашишдан бош тортиши) ишимизни жиддий қийинлаштиради.

Муайян тартиб-таомиллардан ўтиш кўп вақт талаб этиши яна бир қийинчилик бўлиб, у ҳам анча сабрни талаб этади. Ишларни ҳал қилишда кўп вақт йўқотиш адвокат учун энг катта қийинчиликлардан бири, деб ҳисоблайман.

**7. Шу пайтгача касбий фаолиятингиз давомида қайси ишингиз ёки эришган қайси ютуғингиз ҳақида одамлар билишини хоҳлаган бўлардингиз? Ишингизнинг жамиятга таъсири қандай деб ўйлайсиз? Бунга бирорта мисол келтира оласизми? Бир таникли американлик ҳуқуқшунос адвокатларни “Конституциянинг пиёда аскарлари” деб таърифлаган. Ҳақиқатдан ҳам бу касб эгалари ўз фаолиятида ҳар куни қийинчиликларга дуч келади. Ишонч билдирувчи шахсларнинг ҳимоясини таъминлаши учун адвокатлар нафақат билим ва қатъият, баъзida жасорат ҳам кўрсатиши талаб этилишини кўпчилик билмайди.** Ривожланишимизни оркага тортаётган кўплаб иллатларга қонунчиликдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликлар сабаб бўлади. Уларни ўз вақтида бартараф этиш масаласини мутасадди идоралар олдида кўтариш адвокатларга боғлиқ. Биз ривожланиш тарафдоримиз ва бу жараёнга ўз хиссамизни кўшишга доим ҳаракат қиласиз. Шу нуқтаи назардан, адвокатлар ўртасидаги танловга “Ҳуқуқий ислоҳотлардаги фаоллик” номинацияси ҳам киритилганлиги тақсинга сазовордир. Бу борадаги камтарона меҳнатимни юқори баҳолаган танлов ташкилотчиларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Мен ушбу номинация бўйича “Йил адвокати” деб топилганим касбий ютуқларимнинг энг ёрқини бўлиб қолса керак.

**Панжи Махманазаров – Йил адвокати-2022 танловининг «Касбий маҳорат» номинацияси бўйича ғолиби**

## **1. Бу танловда нега ғолиб бўлдим деб ҳисоблайсиз?**

Хозирда хуқуқий тизимда бир қанча муаммоларни кўряпман. Масалан, кимгадир айб қўйилса, тергов жараёнлари ўша одам аллақачон айбдор деган ёндашув билан олиб борилади. Бу сиз айбсизлигингиз исботланмагунча айбдорсиз дегани. Ваҳоланки, бу нотўғри ёндашув. Шахс унинг айби исботланмагунча айбсиз. Бу жиноий жавобгарликка тортиш фойдасига жуда нотўғри. Бу адвокатлар учун катта қийинчилик туғдиради ва инсонни ҳимоя қилишдаadolat мувозанатини бузади.

Фаолиятим давомида эришган энг муҳим ютуқларимдан бири 21 та оқловга эришганимдир. Мен алоҳида фаҳрланадиган бир иш бор. Сурхондарёда ҳимоям остидаги шахс фойдаланиш учун ерни ижарага олган бўлган. Ердаги сувни тежаш учун у ўша ерда дарахтлар ўстирган. Унингижара шартномасига кўра, ерда яратилган ёки қурилган ҳар қандай нарса унинг мулки ҳисобланган. Аммо у дарахтларни кесиб ташлагач, экология қўмитаси унга қарши айблов билан чиқкан ва иш мураккаблашиб, Олий судгача етиб борган. Икки йилдан сўнг, мен ҳимоямдаги шахс учун оқловга эришишга мусассар бўлдим.

## **2. Нима учун адвокат бўлишни танлагансиз?**

Мен прокуратурада маълум бир лавозимларда ишлаганман, терговчи ҳам бўлганман, лекин ўзимни адвокат сифатида кўраман. Мижозимга ёрдам бериш, унинг қадр-қимматини тиклаш, ҳатто ҳаётини қайтариш мен учун энг фаҳрли иш. Шунинг учун, мен адвокат бўлишни танлаганман.

## **3. Профессионал фаолиятингиздаги энг қийин нарса нима?**

Шахсан мен учун энг қийин масалалардан бири шуки, суд жараёнида адвокатлар асосли илтимосномалар билан чиққанларида, илтимосномалар ҳеч қандай тушунарли ёки қонуний асосларсиз рад этилади. Масалан, биз маълум далиллар келтирамиз, қўшимча тиббий экспертиза ўтказишни сўраймиз ёки илтимоснома билан мурожаат қиласиз, лекин суд буни тушунтирумасдан рад этади. Бу хафсалангизни пир қиласи, албатта.

Ўзбекистонда қарама-қаршилик принципи нега ишламаётганининг сабабларидан бири ҳам шу. Биз прокуратура билан тенг эмасмиз. Судлар ва тергов органлари қонун ҳужжатларида белгиланганидек мустақил эмас. Тўғри, суд давлатнинг, жамиятнинг, адлия тизимининг манфаатларини ҳисобга олиши керак, лекин оддий одамларнинг манфаатлари ҳам четда қолиб кетмаслиги керак. Афсуски, ҳозир шу масала катта асосий муаммолардан бири бўлиб турибди.

Менга адвокат сифатида қийинчилик туғдираётган яна бир масала – бу баъзан асоссиз бўлган процессуал муддатлар. Судларда процессуал муддатларга катта эътибор берилади, бунинг натижасида айбланувчи қамоқда узоқ вақт қолиб кетиши мумкин. Менинг фикримча, кўпроқ эътибор далилларни текшириш, гувоҳлардан баёнот олиш ва ҳоказоларга қаратилиши керак. Бу процедуралар жараёнга ва ҳукм чиқаришга ёрдам беради. Лекин бунинг ўрнига бизда мавжуд процедураларга асоссиз муддатлар қўйилган. Бунинг натижасида, вақт беҳуда сарфланади. Президентнинг суд-ҳукуқ тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги сўнгги қарори билан ушбу муаммоларнинг бир қисми ўз ечимини топди.

## **4. Сизни ишингизнинг жамиятга таъсири қандай деб ўйлайсиз?**

Жамиятга келтирадиган фойдам ўз мижозларимга оқланишга ёрдам беришимда, деб биламан. Менинг ёрдамим билан ҳимоям остидаги шахслар ўз оиласи бағрига қайтса, уларнинг тизимга ишончи ортади. Мени ишимнинг жамиятга таъсири шунда.

## **5. Адвокатлик касбига қизиқишини ошириш учун нима қилган бўлардингиз?**

Ўйлайманки, бунга биз адвокатларнинг қилаётган мاشаққатли меҳнатини тарғиб қилиш, ҳимоячи сифатида эришган ютуқларимизни ёритиш, жамоатчиликни бундан яхшироқ хабардор қилиш орқали эришишимиз мумкин. Биз адвокат касбининг обрўсини оширишимиз керак.